

# **Мисрнинг «Ахбар ал-Йаум» газетаси Имом Мотуридий таълимотига оид мақола чоп этди**



14:30 / 31.03.2021 1288

Мисрнинг нуфузли «Ахбар ал-Йаум» газетаси Имом Мотуридий таълимотига оид мақола чоп этди. Унда Ислом дунёсида мўътадил қарашларни ёйиш, Мотуридий таълимотини ўрганиш, соҳага оид хорижий ташкилотлар ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатишда Ўзбекистонда ташкил этилган Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази

фаолияти муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланган.

Мазкур газета Имом Мотуридий стипендиасининг жорий этилиши, ушбу таълимот билан боғлиқ қўл ёзмаларни йиғиш, библиографиясини тайёрлаш ва уларни электрон шаклда кутубхоналарда тарқатиш бўйича кўрилаётган чораларга тўхталиб ўтган.

**Ўзбекистон мусулмонлари идораси матбуот хизмати**